

Агентликда “Идоравий норма ижодкорлигининг ҳуқуқий аҳамияти”
мавзусида семинар

Қонунлар ҳар қандай давлат ва жамиятнинг асоси ҳисобланади. Ҳуқуқий асос қанчалик мустаҳкам бўлса, қонунларга қанчалик риоя этилса, давлат ва жамият ҳам шунча ривожланиб бораверади. Айни пайтда, замон ва ислохотлар амалдаги қонунларни доимий равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шу боис 2012 йил 24 декабрда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Ушбу қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва қабул қилишга оид тартиб-таомилларни тубдан такомиллаштириш имконини берди.

Мазкур қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, улар расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши белгиланган. Қонунда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳуқуқий ворислик ҳам ўз ифодасини топган. Қонуннинг 27-моддасига кўра, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга киритганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланган.

Жорий йилнинг 2 ноябрь куни Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан “Идоравий норма ижодкорлигининг ҳуқуқий аҳамияти” мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Семинарни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармасининг бўлим бошлиғи О. Файзуллаев ҳамда ушбу бўлимнинг етакчи маслаҳатчиси А. Арзиевлар олиб боришди.

Агентлик бошлиғи В.Исмаилов сўзни очиб, навбатни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармасининг бўлим бошлиғи О.Файзуллаевга берди.

- Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бошқарувга оид энг мақбул қарорларни қабул қилишга, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилиши лозим, дейди О. Файзуллаев,- Шундан келиб чиқиб, Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 28 февралда янги таҳрирдаги Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари тасдиқланди. Унда вазирлик ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича ваколатлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг шакли ва амал қилиш муддати, лойиҳаларни тайёрлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, ҳужжатни ўз кучини йўқотган деб топиш, уни расмийлаштириш, келишиш, қабул қилиш, ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиш, ҳужжатларнинг кучга кириши, ҳужжатга расмий шарҳ бериш, унинг

амал қилишини тўхтатиб туриш, уни эълон қилиш ва барча манфаатдор шахслар эътиборига етказишга оид қоидалар белгилаб берилган.

Маърузачи, Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш, уларни қабул қилиш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳамда фуқаролар эътиборига етказиш мураккаб жараён бўлгани учун унинг баъзи босқичларида хато ва камчиликларга йўл қўйилиши, давлат рўйхатидан ўтказилмаган, бироқ умуммажбурий нормаларни ўз ичига олган идоравий ҳужжатларнинг амалиётда қўлланилиши фуқаролар ва ташкилотлар, хусусан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига путур етказиши мумкинлиги, ўз навбатида, бу бюрократик тўсиқлар ноқонуний мажбуриятлар ўзаро муносабатларда тушунмовчиликлар пайдо бўлишига олиб келинишини айтиб ўтди.

Семинарда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш баробарида, уларни расмий эълон қилиш, манфаатдор шахслар эътиборига етказиш жиддий масала эканлигига ҳам эътибор қаратилди.

Семинар давомида идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчаларни киритилгани айтиб ўтилди.

Маъруза мавзу юзасидан савол-жавоб ва қизгин мунозараларга уланиб, йиғилганлар жуда зарур ижтимоий-ҳуқуқий билимларга эга бўлдилар. Энг муҳими тақдим этилган маълумотлар иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган мулкӣ муносабатлар билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни келгусида талаб даражасида, сифатли тарзда тайёрланиши ва қабул қилиниши учун дастурий тавсия вазифасини ўташи билан аҳамиятга молик бўлди, дейиш мумкин

Тадбирда Агентлик Марказий аппарати, АТРНТТ Республика маркази, Автодарётранс-Илм давлат илмий-методик маркази, Агентликнинг Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудий бўлимлари ходимлари иштирок этишди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати